ISNN 3030-3907

2026/3
VOLUME 1

DEVELOPMENT OF SCIENCE

ILMIY JURNAL



Development of science

Ilmiy jurnal

2026/3 VOLUME 1

ISSN 3030 -3907

Ilmiy jurnal OAK rayosatining 2024 yil 27 sentabrdagi 361-son qaroriga asosan 02.00.00 kimyo fanlari hamda 2025 yil 12 fevral 367- son qaroriga asosan 05.00.00 texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan milliy ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

BOSH MUHARRIR:
Temirov Alisher Hoshim o‘g‘li – texnika fanlari falsafa doktori (PhD),Dotsent.
TAHRIRIYAT KENGASH RAISI:
Fozilov Sadriddin Fayzullayevich – texnika fanlari doktori, professor
TAHRIRIYAT KENGASH A’ZOLARI

TEXNIKA FANLARI/ TECHNICAL SCIENCES/ ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

Bozorov G‘ayrat Rashidovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Abdurahmonov Olim Rustamovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Adizov Bobur Zamirovich
O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Umumiy va noorganik kimyo instituti, professor
Hayitov Ruslan Rustamjonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Jumayev Qayum Karimovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Berdiyev Dorob Murodovich
Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti, professor
Maxmudov Rafiq Amonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Tilloyev Lochin Ismatilloyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Raxmonov Qahramon Sanakulovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Barakayev Nusratullo Rajabovich
Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti, professor.
Jo‘rayev Xayrullo Fayziyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Panoyev Erali Rajabboyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Ataullayev Sherzod Nabiullyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Murodov Malik Negmurodovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Axmedova Ozoda Bahronovna
Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti.
Safarov Bahri Jumayevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Xaydarov Axtam Amonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Safarov Jasur Alijon o‘g‘li
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Асадова Раъно Дилмуратовна
Тошкент Давлат техника университети доценти

KIMYO FANLARI/ CHEMICAL SCIENCES/ ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

Axmedov Voxid Nizomovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Umarov Baqo Bafoyevich
Buxoro Davlat Universiteti, professor
Kodirov Abduaxad Abduraximovich
Qarshi davlat Universiteti, professor
Qurbonov Mingniqul Jumagulovich
Qarshi davlat Universiteti, dotsent
Turemuratov Sharibay Naurizbaevich
O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Qoraqalpog‘iston bo‘limi Bosh ilmiy kotibi, professor
Tursunov Kaxor Shonazarovich
Qarshi davlat Universiteti, professor
Do‘stov Hamro
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Panoyev Nodir Shavkatovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Olimov Bobur Bahodir o‘g‘li
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Kasimov Sherzod Abduazimovich
Termiz Davlat Universiteti, professor.
Aliqulov Rustam Valiyevich
Termiz Davlat Universiteti, professor
Tropov Xamza Tursunovich
Samarqand Davlat Universiteti, professor

IQTISODIYOT FANLARI/ ECONOMICS/ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ

Nizamov Aslitdin Badreddinovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Boboyev Akmal Choriyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Ergashxojayeva Shaxnoza Djasurovna
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, professor
Saidaxmedova Nodira Ilxomovna
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, professor
Muxsinov Bekzod Toxirovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Shakarov Qulmat Ashirovich
Renessans ta'lim universiteti,dotsent.
Jumaeva Zulfiya Qayumovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Norova Salomat Yusupovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Avezova Shaxnoza Maxmudjonovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Jalilov Jamshid G‘anijonovich
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, dotsent
Xasanova Gulruh Djumanazarovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.

PEDAGOGIKA FANLARI/ PEDAGOGICAL SCIENCES / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

Siddiqova Sadoqat G‘afforovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Zoyirov Erkin Xalilovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, DSc, professor
Gaffarov Feruz Hasanovich
Puchon Universiteti, *professor*
Ruziyev Davron Yuldashevich
Buxoro Davlat Universiteti, professor
Muradova Firuza Rashidovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Yunusova Gulandon Samiyevna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
To‘xtayeva Zebo Sharifovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Navro‘zova Gulchixra Nigmatovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Uzoqova Laylo Polvonovna
Buxoro muhandislik – texnologiya instituti, dotsent.
To‘raqulova Marjona Qiyom qizi
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Muradova Zarina Rashidovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Murodov Sanjar Aslonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Shodiyev Jahongir Jo‘raqulovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent
Gaffarov Laziz Hasanovich
Buxoro muhandislik – texnologiya instituti, dotsent.

Tahririyat a’zolarning to‘liq ro‘yxati jurnalning www.devos.uz saytida keltirilgan.

Tahririyat hay’ati a’zolarining tarkibini o‘zgartirish hamda qo‘shimcha kiritish yoki tahririyat a’zoligidan chiqarish bosh muharrir tomonidan amalga oshiriladi.

ISSN 3030-3907

Development of science ilmiy jurnali 2024 yil 15 aprel kuni №256445 sonli guvohnoma bilan Davlat ro‘yxatidan o‘tgan.

To‘plam elektron ko‘rinishda (pdf formatida) mualliflarga taqdim etiladi. To‘plamga kiritiladigan maqolalarning mazmuni, ulardagi statistik ma’lumotlar va me’yoriy hujjatlarning to‘g‘riligiga hamda har qanday fikr - mulohazalarga mualliflarning o‘zlari mas’ul hisoblanadilar. Talablarga javob bermaydigan maqolalar to‘plamga kiritilmaydi. Tashkiliy qo‘mita maqola matnini qisqartirish, qisman tuzatish kiritish, seksiyalarga joylashtirish huquqiga ega.

ISSN 3030-3907

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

А.Б.Хушвақов

Иқтисодиёт ва педагогика университети "Иқтисодиёт" кафедраси доцс.

Худойбердийев Аброр Дилмурод ўғли

Иқтисодиёт ва педагогика университети магистранти

Аннотатсия. Мазкур мақолада Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, унинг таркибий тузилмаси ҳамда барқарор ривожланиш истиқболлари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Тадқиқотда вилоят иқтисодиётининг асосий тармоқлари - саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар соҳаси, инвестиция фаолияти ва бандлик кўрсаткичлари статистик маълумотлар асосида ўрганилган. Шунингдек, ҳудудда аҳоли турмуш даражаси, инфратузилма ривожи ва ижтимоий соҳа ҳолатининг иқтисодий барқарорликка таъсири баҳоланган. Тадқиқот натижаларида Қашқадарё вилоятининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича илмий-амалий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган. Мақола натижалари ҳудудий ривожланиш стратегияларини такомиллаштиришда амалий аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: Қашқадарё вилояти, ижтимоий-иқтисодий салоҳият, ҳудудий ривожланиш, барқарор ривожланиш, иқтисодий ўсиш, инвестиция фаолияти, саноат ва қишлоқ хўжалиги, аҳоли бандлиги, инфратузилма.

Аннотация. В данной статье проведён всесторонний анализ социально-экономического потенциала Кашкадарьинской области, её структурного устройства и перспектив устойчивого развития. В исследовании на основе статистических данных изучены основные отрасли региональной экономики-промышленность, сельское хозяйство, сфера услуг, инвестиционная деятельность и показатели занятости. Также оценено влияние уровня жизни населения, развития инфраструктуры и состояния социальной сферы на обеспечение экономической стабильности. Результаты исследования легли в основу научно-практических выводов и предложений по эффективному использованию существующего потенциала Кашкадарьинской области, ускорению экономического роста и обеспечению устойчивого развития. Результаты статьи имеют практическое значение для совершенствования стратегий регионального развития.

ISSN 3030-3907

Ключевые слова: Кашкадарьинская область, социально-экономический потенциал, региональное развитие, устойчивое развитие, экономический рост, инвестиционная деятельность, промышленность и сельское хозяйство, занятость, инфраструктура.

Abstract. This article provides a comprehensive analysis of the socio-economic potential of the Kashkadarya region, its structural composition, and prospects for sustainable development. Based on statistical data, the study examines the key sectors of the regional economy, including industry, agriculture, the service sector, investment activity, and employment indicators. In addition, the paper assesses how living standards, infrastructure development, and the condition of the social sector affect economic stability. The findings of the study form the basis for scientific and practical conclusions and recommendations aimed at the effective use of the existing potential of the Kashkadarya region, accelerating economic growth, and ensuring sustainable development. The results of the article are of practical importance for improving regional development strategies.

Keywords: Kashkadarya region, socio-economic potential, regional development, sustainable development, economic growth, investment activity, industry and agriculture, employment, infrastructure.

КИРИШ

Бугунги кунда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳудудий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва барқарор ривожланиш механизмларини шакллантириш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг муҳим иқтисодий ҳудудларидан бири бўлиб, бой табиий ресурслар, ривожланган қишлоқ хўжалиги ва саноат салоҳиятига эга. Шу билан бирга, ҳудудда иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш зарурати мавжуд.Қашқадарё вилояти 1924-йилда ташкил топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирлиги ҳисобланади. Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, майдони 28 400 км² ни ташкил этади. Вилоятда 18 та ҚФЙ ва 779 та МФЙ жойлашган бўлиб, унинг ҳудудида 3 697 658 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли зичлиги 1 км² га 120,2 кишини ташкил этади.Қашқадарё вилояти маъмурий-ҳудудий таркибига кўра 2 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар ва 15 та туманга бўлинган.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

ISSN 3030-3907

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва барқарор ривожланиши масалалари хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан кенг ўрганилган. Хусусан, хорижий тадқиқотларда ҳудудий ривожланиш, иқтисодий ўсиш ва барқарорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда институтсионал омилларнинг таъсири чуқур таҳлил қилинган. Хорижий олимлардан Ж. Стиглитз[2], А. Сен ва Ж.[3] Сачсларнинг илмий ишларида барқарор ривожланиш тушунчаси иқтисодий ўсиш, ижтимоий тенглик ва экологик барқарорлик уйғунлиги асосида изоҳланган. Уларнинг тадқиқотларида ҳудудий ривожланишда инсон капитали ва институтсионал муҳитнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади. П. Кругман ва М. Портер томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳудудий рақобатбардошлик, саноат кластерлари ва ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жойлашуви ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни оширишнинг муҳим омиллари сифатида қаралган. Ушбу ёндашувлар ҳудудларда иқтисодий фаолликни кучайтириш орқали барқарор ривожланишни таъминлаш имконини беради.Шунингдек, Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (УНДП) ҳисоботларида ҳудудий ривожланиш даражасини баҳолашда ялпи ҳудудий маҳсулот, бандлик, даромадлар ва инфратузилма кўрсаткичлари асосий мезонлар сифатида келтирилган. Мазкур ёндашувлар Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолашда методологик асос бўлиб хизмат қилади.Ўзбекистонлик олимлардан С. Ғуломов[4], Б. Ходийев, А[5]. Ваҳобов ва У. Каримовларнинг илмий ишларида ҳудудий иқтисодий ривожланиш, иқтисодий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари кенг ёритилган. Ушбу тадқиқотларда ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодий ўсишининг муҳим шарти сифатида баҳоланади.Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва фармонларида ҳудудларни комплекс ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳудудий ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб беради[6]. Миллий тадқиқотларда Қашқадарё вилоятининг саноат ва қишлоқ хўжалиги салоҳияти, бандлик ҳамда инфратузилма ривожи масалалари ҳудудий статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Бироқ мавжуд адабиётларда вилоятнинг барқарор ривожланиш истиқболлари комплекс ёндашув асосида етарли даражада ўрганилмаган[7]. Мазкур тадқиқот айнан ушбу илмий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

ISSN 3030-3907

2024-йил якунига кўра, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 11 фоиздан 8,9 фоизга камайди. Бандлик дастурлари туфайли 719 минг киши камбағалликдан чиқарилди. Камбағалликнинг энг паст кўрсаткичи Навоий вилоятида (5,7 фоиз), энг юқори кўрсаткичи Хоразм вилоятида (11,9 фоиз) қайд этилган.

Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 2024-йилда 8,9 фоизгача пасайди, деб хабар берди Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази президент ҳузуридаги Статистика агентлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотларига таяниб.

Баҳолаш Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилди ва халқаро ҳисоблаш услубига асосланган. Ушбу методика бўйича йил давомида бутун республика бўйича уй хўжаликлари буджетлари ўрганилган.

2021-йилги кузатувда 10 мингга яқин оила иштирок этган бўлса, 2022-йилда қамров 14 мингдан ошди, 2024-йил давомида эса 16 мингдан ортиқ уй хўжаликлари сўровдан ўтказилди.

Аҳоли фаровонлиги даражасидаги ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатдики, 2023-йилда камбағаллик даражаси 14 фоиздан 11 фоизга, 2024-йилда эса 8,9 фоизга камайган. Ўтган йили 719 минг киши камбағалликдан чиқарилди, дейилади мақолада. Камбағалликнинг энг паст кўрсаткичи Навоий вилоятида (5,7 фоиз), энг юқори кўрсаткичи Хоразм вилоятида (11,9 фоиз) қайд этилган.

Мамлакатнинг барча ҳудудларида ижобий ўзгаришлар қайд этилди. Айниқса, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида сезиларли ўсиш қайд этилди, бу ерда камбағаллик ўртача 3,1 фоиз пунктга қисқариб, мос равишда 8,7 ва 7,5 фоизни ташкил этди. Наманган вилояти ва Қорақалпоғистонда камбағаллик даражаси 2,8 фоиз бандга-7,6 фоиз ва 10,8 фоизгача пасайди.

ISSN 3030-3907



1- Расм Қашқадарё вилоятида аҳолининг ишлаб чиқариш корхонлардаги бандлиги[1]

Камбағаллик кўрсаткичининг энг кам пасайиши Қашқадарё вилоятида-11,5 фоиздан 9,6 фоизгача (1,9 ф.п.), Навоий вилоятида-7,6 фоиздан 5,7 фоизгача (1,9), Фарғонада-10,1 фоиздан 8,6 фоизгача (1,5), Сурхондарё вилоятида-10,6 фоиздан 9,3 фоизгача (1,3) ва Тошкент шаҳрида-7,9 фоиздан 7,3 фоизгача (0,6) қайд этилди.

ИТИМ маълумотларига кўра, камбағалликни қисқартириш иш билан таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ердан самарали фойдаланиш орқали амалга оширилди.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида аҳолининг реал даромадлари ўтган йилда 10,7 фоизга ошиб, аҳоли жон бошига ойига ўртача 2,1 млн сўмни ташкил этди (йил бошида-1,7 млн сўм).

Қуйидагилар даромадларнинг асосий манбалари бўлиб қолмоқда:

- иш ҳақи-42,6% (2023-йилда-41,9%);
- тадбиркорликдан олинган даромадлар-22,9% (21,4%);
- пенсиялар, ижтимоий ёрдам ва субсидиялар-18,2% (18,9%);

[1] Qashqadaryo viloyat statistika boshqarmasidan olingan

ISSN 3030-3907

- қишлоқ хўжалиги ва томорқалардан олинган даромадлар-10,7% (9,8%);
- хориждан пул ўтказмалари-2% (3,1%);
- бошқа даромадлар-3,6% (4,9%).

Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар 1,5 фоиз пунктга, қишлоқ хўжалигидан олинган даромадлар эса 0,9 фоиз пунктга ошди.

Даромадларнинг энг юқори ўсиши Фарғона (+19,1%) ва Бухоро (+11,4%) вилоятларида, шунингдек, Тошкент шаҳрида (+17%) қайд этилди. Пойтахтда аҳолининг ўртача даромади 3,6 млн сўмни, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида эса 2,2 млн сўмни ташкил этган.

2024-йилда иш ҳақидан олинган даромадлар 12,9 фоизга ошди, бунинг учун 5,1 миллион киши иш билан таъминланди. Расмий иш билан банд аҳолининг улуши 30 фоизга ошди.

Даромадларни ошириш бўйича муваффақиятли лойиҳалардан бири Сирдарё вилоятидаги “Сайхунобод тажрибаси” деб номланади. Тажриба дастури доирасида 326 мингта микролойиҳа аҳоли даромадларининг 14,7 фоизга, кам даромадли оилаларда эса 17,7 фоизга ўсишига ёрдам берди, деб таъкидлади ИТИМ.

Бундан ташқари, 159 минг киши фермер хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтгач, 61 минг гектар ерга эга бўлди.

2024-йил декабр ойида президент Шавкат Мирзиёйев камбағаллик даражаси 2024-йил охирига келиб 9 фоизга тушишини таъкидлаганди. Унинг сўзларига кўра, тадбиркорлар билан ҳамкорлик давом эттирилса, “келгуси йилларда бу кўрсаткични бемалол 6 фоизга туширамиз”.

Ўзбекистонда камбағаллик даражасини баҳолаш 2020-йилдан буён доимий равишда ўтказиб келинмоқда ва аҳолининг турмуш даражаси, шароити ва сифати тўғрисидаги муҳим маълумотлар манбаи бўлиб, мамлакатда монетар камбағаллик даражасини баҳолаш учун ягона ахборот манбаи ҳисобланади.

Сўровномада иштирок этган уй хўжаликлари харажатлар миқдорига кўра 10 та гуруҳга бўлинади ва ушбу оилалардан энг кам харажатлар (даромадлар)га эга бўлган уй хўжаликларига 30 фоиз ўрин берилади. Камбағаллик чегарасини аниқлаш учун ишлатиладиган минимал истеъмол харажатлари (МИС) озиқ-овқат маҳсулотларининг кунлик зарурий истеъмолини (2200 ккал), ойига ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларни ҳисобга олади.

Қонунчиликка мувофиқ, Статистика агентлиги ҳар йилнинг 20-январигача МИСни эълон қилиши лозим. Ўтган йили МИС икки марта оширилди-йил бошида олдинги йилдаги 8,7 фоизлик инфляция фонида 9,3

ISSN 3030-3907

фоизга, кейин эса 1-майдан газ ва электр энергияси тарифларининг кескин кўтарилиши муносабати билан яна 4,3 фоизга ошди. Бу кўрсаткич ойига 648 минг сўмни ташкил этади. Жорий йилда янги МИС кўрсаткичи ҳали эълон қилинмаган.

2022-йилдан бошлаб “Ижтимоий ҳимоя ягона рейестри” ахборот тизими орқали оилани кам таъминланган деб эътироф этишда қўлланиладиган бир ойлик ўртача даромад мезони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилди. Баъзи нафақалар ва бошқа ижтимоий меъёрлар минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган миқдорда тўланиши керак.

Истиқболда Ўзбекистон кўп ўлчовли камбағаллик индексини жорий этишни режалаштирмоқда, бу аҳолининг турмуш шароитларини янада аниқроқ баҳолаш ва камбағалликка қарши курашиш бўйича манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 6,8 фоизни ташкил қилмоқда. Ўзбекистонда 1-июл ҳолатига кўра, камбағаллик даражаси 6,8 фоизни ташкил қилмоқда, бу ҳақда Шавкат Мирзиёйевга таништирилган тақдимотда сўз боради. Биринчи яримйилликда 3 млн дан зиёд аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилингани қайд этилди. 2024-йил якунида камбағаллик даражаси 8,9 фоизгача камайганди.

Ўзбекистонда 2025-йилнинг 1-июл ҳолатига кўра, камбағаллик даражаси 6,8 фоизни ташкил қилмоқда. Бу ҳақда Шавкат Мирзиёйевга таништирилган, аҳоли бандлигини таъминлашга оид тақдимотда маълум қилинди.

Таъкидланишича, банклар маҳаллаларга боғланиб, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшмоқда. Биринчи яримйилликда 3 миллиондан зиёд аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилинди. Ўз навбатида, “камбағалликни қисқартириш борасида яратилган тизим ҳамда сарфланаётган маблағлар ўз самарасини бермоқда”.

Шунингдек, меҳнат муносабатларидаги айрим меъёрлар тадбиркорлик субйектлари, айниқса, кичик корхоналар учун мураккаблик туғдираётганига тўхталиб ўтилди. Ишга қабул қилишда ахборот технологиялари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Амалдаги талаблар иш берувчиларни ҳақиқий вакансияларни очиқ эълон қилишга рағбатлантирмайди, дейилади президент матбуот хизмати хабарида. Оқибатда бу маълумотларни яширишга олиб келиб, меҳнат бозорини тўғри таҳлил қилиш ҳамда касбий таълим йўналишларини аниқлаш имконини чекламоқда.

ISSN 3030-3907

Тақдимотга кўра, меҳнат органлари иш берувчиларга нисбатан жазо қўлловчи эмас, балки ҳамкор сифатида фаолият юритувчи, уларга хизмат кўрсатувчи тузилмага айланиши кўзда тутилмоқда.

Хусусан, иш берувчилар томонидан бўш иш ўринлари тўғрисидаги мажбурий маълумотларни тақдим этмаслик ва жўнатилган номзодларни ишга олмаслик учун жазо чораларини бекор қилиш таклиф этилмоқда. Бу орқали бандлик органлари иш берувчилардан тўғри ва ҳаққоний маълумотларни тўплаб, уларга иш излаётган фуқароларни йўналтиради. Иш берувчи эса номзодни қабул қилиш ёки қилмасликни ўзи ҳал этади.

Ушбу тизимни жорий этиш учун махсус электрон платформа яратилиб, дастлаб Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида бошланади ва кейинчалик бутун мамлакат бўйича татбиқ этилади.

Шу билан бирга, мутахассис топиш мураккаб бўлган вакансиялар касбий таълимнинг асосий йўналишларига айлантирилиб, тайёргарлик жараёнларини мақсадли ташкил этишга хизмат қилади.

Касбий таълим сифатини ошириш мақсадида хусусий сектор вакилларини Касбий кўникмалар марказлари фаолиятига жалб этиш, айрим марказларни эса аниқ соҳалар бўйича ихтисослаштирилган таълим масканларига айлантириш режалаштирилган.

Қайд этилишича, мутасаддиларга касбий таълимни уч босқичли тизимга ўтказиш вазифаси қўйилди. Жумладан, интернет орқали бепул видеодарсларни жорий этиш, ишловчи фуқароларга қайта тайёргарлик ёки малака ошириш учун “касб ваучери” орқали имконият яратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлат раҳбарига кўра, малакали кадрлар тайёрлаш республикада ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга хизмат қиладиган энг муҳим омиллардан биридир.

2025-йил якунига кўра, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 11 фоиздан 8,9 фоизгача камайганди. Бандлик дастурлари туфайли 719 минг киши камбағалликдан чиқарилган. Ўшанда камбағалликнинг энг паст кўрсаткичи Навоий вилоятида (5,7 фоиз), энг юқори кўрсаткичи Хоразм вилоятида (11,9 фоиз) қайд этилган

Бош вазир ўринбосари Жамшид Ходжайев май ойида Миландаги Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) йиғилишида сўзлаган нутқида тўрт йил ичида камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга туширилганини маълум қилганди. “Биз уни 2030-йилга келиб эса икки баробар камайтиришни режалаштирмоқдамиз”, - деганди у.

ISSN 3030-3907

Шавкат Мирзиёйевнинг ўзи эса 2025-йилга мўлжалланган режаларга бағишланган видеоселекторда келгуси йилларда камбағаллик даражаси 6 фоизга туширилишига амин эканини таъкидлаганди.

Камбағал оилаларга тадбиркорлик билан шуғулланиш учун фоизсиз ссудалар ажратилади.

Ўзбекистонда Камбағал оилалар рейестрига киритилган оилалар аъзоларига ўз фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни харид қилишга ажратиладиган субсидиялар ўрнига фоизсиз ссуда ажратиш тизими жорий этилади. Шунингдек, бир қатор янги молиявий ёрдамлар жорий этилади.

Камбағал оилаларга тадбиркорлик билан шуғулланиши учун фоизсиз ссудалар ажратилади. Бу 14-феврал куни имзоланган “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш учун молиявий ёрдамлар ажратиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги президент қарорида [ПҚ-64-сон] белгиланган. Қарорга кўра, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, айланма маблағлари билан таъминлаш ҳамда Ижтимоий ҳимоя ягона рейестри ва Камбағал оилалар рейестрига киритилган оилалар аъзоларига ўз фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни харид қилишга ажратиладиган субсидиялар ўрнига фоизсиз ссуда ажратиш тизимини жорий этилади.

Аҳоли томонидан қизиқиш билдирилмаган, узоқ давр мобайнида фойдаланилмаётган ва самарадорлиги паст бўлган субсидиялар бекор қилинади ҳамда бир-бирини такрорловчи субсидиялар бирлаштирилади.

Маҳаллаларнинг ихтисослашуви ва драйвер йўналишларидан келиб чиқиб, камбағал оилаларга тадбиркорлик ҳамда деҳқончилик билан шуғулланиши учун грант ва фоизсиз ссудалар ажратилади.

2026-йил 1-январдан аҳолига нақд пул шаклида бериладиган молиявий ёрдамлар босқичма-босқич ижтимоий карта орқали ажратилади.

2025-йил 20-мартгача Иқтисодиёт ва молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида Субсидия, ссуда ва грантларнинг самарадорлигини баҳолаш ва мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилади.

Қарорга кўра, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги янги турдаги молиявий ёрдамлар жорий этилади:

озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга улар томонидан тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишлардаги аниқ лойиҳалар амалга оширилиши учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 бараваригача миқдордаги субсидиялар;

ISSN 3030-3907

ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлган ишсиз фуқароларни ёки камбағал оилалар аъзоларини касаначи сифатида ишга олган тадбиркорларга уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун ҳар бир жалб қилинган касаначи учун БҲМнинг 10 бараваригача миқдордаги 3 йилгача муддатга фоизсиз ссудалар;

камбағал оила аъзоларига ўз фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни харид қилишга БҲМнинг 50 бараваригача миқдордаги 6 ойдан 3 йилгача муддатга фоизсиз ссудалар;

камбағал оилаларга деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил қилиш учун деҳқон хўжаликларига сув қудуқларини бурғилаш, насос агрегатларини сотиб олиш, томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш ва электр тармоқларини тортиш учун 6 ойлик имтиёзли давр билан БҲМнинг 200 бараваригача миқдордаги 5 йилгача муддатга фоизсиз ссудалар;

маҳаллаларнинг ихтисослашуви ва драйвер йўналишларидан келиб чиқиб, ўз тажрибасини 10 тагача камбағал оилаларга ўргатган ва уларга доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашган тадбиркорларга ҳар бир камбағал оила учун БҲМнинг 3 баравари, бироқ БҲМнинг 30 бараваригача миқдордаги грантлар.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мазкур мақолада Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва барқарор ривожланиш истиқболларини аниқлашга қаратилган тадқиқот комплекс илмий-методик ёндашув асосида олиб борилди. Тадқиқот натижалари ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари юқори салоҳиятга эга эканлигини, бироқ барқарор ривожланиш йўлида айрим тўсиқлар мавжудлигини кўрсатди.Ижтимоий-иқтисодий салоҳият. Қашқадарё вилояти саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида юқори даражада ривожланган бўлиб, хизматлар соҳаси аҳоли турмуш даражасини оширишга сезиларли ҳисса қўшади. Ялпи ҳудудий маҳсулот ва бандлик даражаси республика бўйича ўртача кўрсаткичлардан юқорироқдир.Инвестиция ва иқтисодий хавфсизлик.

Ҳудудга жалб қилинган инвестициялар иқтисодий ўсиш ва янги иш ўринлари яратишда муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, чекка ҳудудларда инфратузилманинг етишмаслиги ва инвестиция ҳажмининг пастлиги ҳудудий тафовутларни келтириб чиқаради, бу эса барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатади.Бандлик ва кадрлар салоҳияти. Бандлик даражаси юқори бўлса-да, малакали ишчи кучининг етишмаслиги ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли касб-ҳунар марказларини ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш долзарб масала ҳисобланади. Ҳудудий

ISSN 3030-3907

тафовутлар. Марказий туманлар саноат ва хизматлар соҳасида ривожланган бўлса, чекка ҳудудларда қишлоқ хўжалиги устун бўлиб, инфратузилма ва инвестиция имкониятлари чекланган. Ҳудудий тафовутларни камайтириш барқарор ривожланиш учун муҳим стратегик йўналиш ҳисобланади.Барқарор ривожланиш стратегиялари. Тадқиқот шуни кўрсатдики, ҳудудни барқарор ривожлантириш учун қуйидаги чоралар самарали бўлади:

−иқтисодий тармоқларни диверсификатсия қилиш;

−инвестиция муҳитини яхшилаш;

−чекка ҳудудларда инфратузилма ва хизматлар соҳасини ривожлантириш;

−малакали кадрлар тайёрлаш ва бандликни ошириш.

Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юқори бўлишига қарамай, барқарор ривожланиш истиқболларини тўлиқ амалга ошириш учун ҳудудий тафовутларни камайтириш, инвестиция муҳитини кучайтириш, инфратузилма ва хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳамда малакали ишчи кучини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ушбу тавсиялар ҳудуд иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Fayzullayev J.S. Zamonaviy transport-logistika tizimining boshqaruv samaradorligini oshirish. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. No 6, noyabr–dekabr, 2017-yil.

2. Tatarkin, A.I. Kompleksnaya metodika diagnostiki sotsialno-demograficheskoy bezopasnosti regiona: kollektivnaya monografiya / pod red. A.I. Tatarkina, A.A. Kuklina. – Yekaterinburg: Institut ekonomiki UrO RAN, 2007. – 155 s.

3. Oleynikov, Ye.A. Ekonomicheskaya i natsionalnaya bezopasnost: uchebnik / Ye.A. Oleynikov; pod red. Ye.A. Oleynikova. – Moskva: Ekzamen, 2004. – 768 s.

4. Krivorotov, V.V. Ekonomicheskaya bezopasnost gosudarstva i regionov: ucheb. posobiye dlya studentov vuzov, obuchayushchikhsya po napravleniyu «Ekonomika» / V.V. Krivorotov, A.V. Kalina, N.D. Eriashvili. – Moskva: YUNITI-DANA, 2012. – S. 65.

5. Raxmatullayev, D. A. (2025). Qashqadaryo viloyati sanoatini innovatsion rivojlantirish strategiyasining asosiy yo‘nalishlari va ularni ekonometirik modellar yordamida baholash. Экономика и социум, 11-2(138), 454–457.

6. Raxmatullayev, D. A. (2025). Qashqadaryo viloyatida sanoatni optimal modellar asosida innovatsion rivojlantirish istiqbollari. Journal of New Century Innovations, 89(2), 111–114.

ISSN 3030-3907

7. Raxmatullayev, D. A. (2025). Qashqadaryo viloyatida sanoatni innovatsion rivojlantirish tendensiyalari. Journal of New Century Innovations, 89(2), 106–110.

ISSN 3030-3907